

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА

№ 201

«18» Давлат 2022 й.

Шахрисабз туман

Шахрисабз шаҳар Электр Ташкилоти Корхонаси (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади, ўзининг Ш. Тошев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Шахрисабз шаҳар КСХМ (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, ўзининг Узуров Арслон Абдураманович (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини кабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.
- 1.2. Бюджет ташкilotининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узғаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро қилишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.
- 1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 25 926.6 кВт.с ташкilot қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг хукуклари:

- а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)
- б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган микдорда сақлашни;
- в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.
- г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хоҳишига қура;
- д) муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган холда етказиб берилган электр энергиясини кабул қилишни ва ҳақини тулашни рад этишга
- г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

- а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларининг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утқазилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);
- б) электр тармоқлари, асбоб усқуналарининг тегишли техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш;
- в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида "Таъминотчи"га хабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи усқуналарнинг иш режимида риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ;
- д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг хукуклари:

- а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақни тулашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-қесил ҳисоб-қитобларни амалга оширишни;
- б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомасига мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини кабул қилишни асоссиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;
- в) унинг вақили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд булганда электр ҳисоблагичларни қуриб текширади;
- г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувудан утқазмайди ҳамда УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари;

- а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятлариниш уз муддатда бажарилишини таъминлаш;
- б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясинн электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;
- в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлаш 3-иловага мувофиқ;
- г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг қурилма коидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
- д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узилишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огохлантириш;
- е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул қуймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;
- ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ алмаштириш муддатларини хабар қилиш;
- ж) жорий этиладиган чеклашлар хақида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар қилиш;
- з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
- и) "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Қарорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Қарорига 2-илова) риоя қилинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик баҳоси 11 666 970 / 94 баф шиллаше олди 102 олмиш олди шиллаше 102 олмиш сумми ташкил этади. Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табақалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур булмагани учирлади)
- Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари - 3 ва 6 сонли иловаларда берилди.
- 3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг 100 фоиздан кам булмаган микдорда олдиндан ҳақ аванс тарикасида туланади, истеъмол қилинган электр энергияси учун қолган сумма 10 кун мобайнида тулик тулаб берилди.
- 3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб қилинади. 1 (хисоб-китоб қилиш шакли курсатлади)
- 3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблағлари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.
- 3.5. "Истеъмолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тулов суммаси аниқланади.
- Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га 25-май гача муддатда юборилади.
- 3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармоғининг баланс буйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йули билан аниқланади ва тулов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади. (6-иловага асосан)
- 3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради. Хар хил тариф гуруҳига таалуқли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект буйича билиб қўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилди.
- Қисман (тулик хажмда эмас) ҳақ туланганда, "Истеъмолчи" тулов ҳужжатида қайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга ошириладиганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорликни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.
- Электр энергияси истеъмоли хақида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол қилинган электр энергияси буйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.
- Ортиқча туланган маблағлар қайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.
- 3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга ётказиб берилиши қузда тутилган электр энергияси хажми қийматининг 30 фоиздан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 30 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорда олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда ётказиб берилди. Кичик ва урта бизнес вакиллари, кичик моторли, хусусий тадбиркорлар электр энергияси қийматининг 100 фоизи микдорда олдиндан тулов амалга оширишлари керак.
- Яқуний хисоб-китоб эса 10 кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун 20/100 кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тарикасида туланган маблағлар муддати утган қарздорликни бартараф этишга йуналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

"Истеъмолчи" бир неча тариф гурухига эга булса, у олдиндан тулов хужжатида тариф гурухи буйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гурухлари буйича карздорликни бартараф этиш навбатини мустакил белгилаш ҳукукига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган "Истеъмолчи"лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, "Таъминотчи" электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чишариб ташлаган холда хизмат кўрсатувчи банк орқали ҳисобот оyiда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

"Таъминотчи" буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. "Истеъмолчи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Таъминотчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом бўлишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. "Истеъмолчи" билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ унта дархол хабар берган холда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга "Таъминотчи" тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган холларда йул қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;

шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг 100 фоизини олдиндан туламаганда;

ҳисоб-китоб оyi тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд булганда;

"Истеъмолчи" электр энергияси тармогига узбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

"Узстандарт" агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга булмаганда;

"Таъминотчи"нинг вақили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини куришга асосиз қуйилмаганда, "Таъминотчи" электр энергияси беришни тухтатиб қуйиш ҳукукига эга булади.

5.4. "Истеъмолчи"да ҳисобга олиш прибори булмаганда;

ҳисобга олиш прибори "Истеъмолчи"нинг айби билан шикастланганда;

ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нағрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда "Истеъмолчи" 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармогидан узиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алоҳида ҳавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида" ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қуйиш эса факат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. "Таъминотчи" ва "Истеъмолчи" томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади. (7-иловага мувофиқ)

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қури микдорда электр энергияси етказиб берилмаган холларда "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши "Таъминотчи"ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун "Истеъмолчи" "Таъминотчи"га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,1 фоизи (маҳсус тартибга қура электр энергияси бериладиган қорхоналар учун 0,2 фоиз) микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. "Истеъмолчи"нинг таклифига кура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан кеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги хажмларининг узгартирилиши электр энергиясини кам олиш ёки ортикча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қоидага кура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни курадилар.

Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муружаат қилишга ҳам ҳақлидир.

7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартнома уч томонлама имзоланган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 йил 31 декаргача амал қилади.

9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.

9.3. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ташдирда тўхтатилади.

9.5. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг қилишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхалари тенг юридик кучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Таъминловчи»
Шеърмуҳаммад Шайхон Раҳимов
(ижроиянинг номи) *корпоратив*
манзили *Шеърмуҳаммад Шайхон Раҳимов*
Шеърмуҳаммад Шайхон Раҳимов 202-үй
тел/факс _____
х/р *2263600000144786349*
банк номи *Солтўст-қуриё банк*
ИНН *20060494*
МФО *0014* ИНН *20060494*
ОКОНХ *25120*

«Истеъмолчи»
Шеърмуҳаммад Шайхон Раҳимов
(бюджет маблағларини олувчи номи)
манзили *Шеърмуҳаммад Шайхон Раҳимов*
Шеърмуҳаммад Шайхон Раҳимов 202-үй
тел/факс *212-2-27-81*
х/р *10010864021702290407904*
банк номи *Шеърмуҳаммад Шайхон Раҳимов*
ИНН *20060494*
ОКОНХ *25120*
Ушбу ҳужжатнинг бажарилиши
Ҳисоб: 2240200030616000000
МФО: 0014, ШН: 201422919
Раҳбар _____



Раҳбар
(Ф.И.Ш.)
(имзо)

Ш. Шайхон Раҳимов

М.У.

Хуқуқшунос:



А. Шайхон Раҳимов

Ш. Шайхон Раҳимов



(Ф.И.Ш.)
(имзо)

Ф.И.О.

Шахрисабз шаҳар Электр тарм

уртасида 2022 йил 18 июль

№ 201 сонли шарт

1-қисм

Шахрисабз шаҳар Электр тармоқлари корхонаси томонидан 2022 йил дав
етказиб бериладиган электр энергияси куввати

2021 ЙИЛ ОЙЛАР	Улчов бирлиги	Микдори (квт)	Нархи	Суммаси.
ЯНВАР	КВТ	8642,2	450	3888990
ФЕВРАЛ	КВТ	8642,2	450	3888990
МАРТ	КВТ	8642,2	450	3888990
1-ЧОРАК	КВТ	25926,6	450	11666970
АПРЕЛ	КВТ			
МАЙ	КВТ			
ИЮН	КВТ			
2-ЧОРАК	КВТ			
ИЮЛ	КВТ			
АВГУСТ	КВТ			
СЕНТЯБР	КВТ			
3-ЧОРАК	КВТ			
ОКТЯБР	КВТ			
НОЯБР	КВТ			
ДЕКАБР	КВТ			
4-ЧОРАК	КВТ			
ЖАМИ 1 ЙИЛДА	КВТ	25926,6	450	11666970

Шахрисабз шаҳар Электр тармоқлари
корхонаси бошлиғи



Шахрисабз шаҳар 1-сон касб-хунар
мактаби директори



А.А.Узоков